**Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш**

**ШАРТНОМАСИ**

**20**22 **йил“**28**” ___**01.**_______ ___**б-III/83**_-сон ______**Самарқанд ш.**_______**

(шартнома тузилган жой)

**Низом асосида фаолият юритувчи** Уз. Рес. Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатаси Самарқанд вилоят худудий бўлинмаси

(Истеъмолчи номи)

**(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), раҳбари** Н. Иргашева

**_______________________________________________ бир томондан ҳамда Низом ва 20__ йил “___” __________да берилган ____-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи “**Худудгаз Самарқанд газ таъминот филиали**”**

**(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталади); раҳбари** [illegible] **иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:**

## I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.**

**1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек,электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.**

**1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.**

**Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.**

**1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 20**22**йилда** 6000**______ куб.м, нархи** 3960,0 **минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:**

I чорак ___6,0___ мингкуб.м, январь __2,0__, февраль __2,0__, март __2,0__.

II чорак ___–___ мингкуб.м, апрель ___–___, май ___–___, июнь _______.

III чорак _______ минг куб.м, июль _______, август ___–___, сентябрь _______.

IV чорак ___–___ мингкуб.м, октябрь ___–___, ноябрь ___–___, декабрь ___–___